



SPECIFIC LEGAL ASPECTS OF COMBATING CORRUPTION IN THE ENERGY SECTOR IN SOME DEVELOPED FOREIGN COUNTRIES

Jakhongir Muratov

Master's student of the Law Enforcement Academy

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: anti-corruption, international experience, Georgia's model, Lithuania's model, energy regulation, privatization, rotation, conflict of interest, zero tolerance, institutional reforms.

Received: 16.04.26

Accepted: 17.04.26

Published: 18.04.26

Abstract: This section of the article analyzes international experience in combating corruption within the energy sector, specifically focusing on the examples of Georgia and Lithuania. It highlights Georgia's "zero tolerance" policy, the stages of energy infrastructure privatization, and institutional reforms in the industry. Additionally, the Lithuanian model of energy regulation, including official rotation mechanisms and conflict-of-interest controls, is examined. The study synthesizes international experts' findings on reducing corruption-prone monopoly rents and enhancing accountability across state institutions.

АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Жахонгир Муратов

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси тингловчиси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: коррупцияга қарши кураш, хорижий тажриба, Грузия модели, Литва модели, энергетикани тартибга солиш, хусусийлаштириш, ротация, манфаатлар тўқнашуви, нол толерантлик, институционал ислохотлар.

Аннотация: Мақоланинг ушбу қисмида энергетика соҳасида коррупцияга қарши курашишнинг хорижий тажрибаси, хусусан, Грузия ва Литва мисолларида таҳлил қилинади. Грузиянинг "нол толерантлик" сиёсати, энергетика тизимини хусусийлаштириш ва соҳани институционал ислох қилиш босқичлари ёритиб берилган. Шунингдек, Литванинг энергетикани тартибга солиш модели, мансабдор шахслар ротацияси ва манфаатлар тўқнашувини

назорат қилишнинг ўзига хос механизмлари ўрганилган. Тадқиқотда коррупцияга мойил бўлган монопол рентани камайтириш ва давлат органлари ўртасидаги ҳисобдорликни ошириш бўйича халқаро экспертларнинг хулосалари умумлаштирилган.

ОСОБЫЕ ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ В ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ СФЕРЕ В НЕКОТОРЫХ РАЗВИТЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Жахонгир Муратов

*Слушатель магистратуры Академии правоохранительных органов
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: борьба с коррупцией, зарубежный опыт, грузинская модель, литовская модель, регулирование энергетики, приватизация, ротация, конфликт интересов, нулевая толерантность, институциональные реформы.

Аннотация: В данной части статьи анализируется зарубежный опыт борьбы с коррупцией в энергетическом секторе на примере Грузии и Литвы. Освещаются политика «нулевой толерантности» Грузии, этапы приватизации энергетических объектов и институционального реформирования отрасли. Также изучена литовская модель регулирования энергетики, механизмы ротации должностных лиц и контроля конфликта интересов. В исследовании обобщены выводы международных экспертов по снижению коррупциогенной монопольной ренты и повышению подотчетности государственных органов.

Сўнгги ўн йилликларда коррупцияга қарши кураш иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, фуқаролик жамияти ва демократияни қўллаб-қувватлашнинг муҳим воситаси сифатида ривожланиш сиёсатида марказий ўринни эгаллаб келмоқда. Хорижий коррупцияга қарши кураш тажрибасини таҳлил қилиш учун давлат тизимларини ислоҳ қилишда энг катта ютуқларга эришган мамлакатлар танлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Грузиянинг давлат секторидаги коррупцияга қарши кураш тажрибаси ўзига хос ва муваффақиятли бўлиб, унинг кўплаб жиҳатлари ўхшаш муаммоларга дуч келаётган мамлакатларда мослаштирилиши ва қўлланилиши мумкин. Ҳукумат томонидан "нол толерантлик" сиёсати доирасида қабул қилинган чора-тадбирлар турли давлат хизматларидаги норасмий тўловлар миқёсини кескин қисқартиришга имкон берди. Жаҳон банки экспертлари бугунги кунда "аксарият кўрсаткичлар бўйича Грузия ЕИнинг энг ривожланган мамлакатларига сезиларли даражада яқинлашганини" таъкидламоқда .

2004 йилга келиб Грузияда энергетика соҳасидаги ислохотлар уч йўналишни ўз ичига олди ва ислохотни амалга оширишга икки ярим йилча вақт сарфланди. Биринчидан, ўзгаришлар энергетика тизимининг тузилмасига ва унинг иштирокчилари ўртасида вазифаларни тақсимлашга тегишли бўлди. Иккинчидан, тариф сиёсати қайта кўриб чиқилди. Ниҳоят, биринчи икки чора туфайли якуний босқич — энергетика объектларини хусусийлаштириш мумкин бўлди. 2006 йил 7 июнда Грузия парламенти "Энергетика секторида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари"ни тасдиқлади, унда Грузиянинг энергия таъминоти тизимини яхшилашнинг асосий воситаси сифатида энергетика объектларини хусусий мулкка топшириш белгиланди.

Грузияда юқори даражадаги коррупцион жиноятларни аниқлаш ва тергов қилиш учун Қозоғистон Республикаси Коррупцияга қарши кураш агентлигига ўхшаш махсус орган мавжуд эмас. Грузияда бундай жиноятларни тергов қилиш прокуратура зиммасига юклатилган. Сўнгги ўн йилликларда коррупцияга қарши кураш иқтисодий ўсишни кучайтириш ва фуқаролик жамиятига кўмаклашиш ҳамда демократияни мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида ривожланиш сиёсатида асосий ўринни эгаллади. Грузия антикоррупцион моделининг иккинчи муҳим жиҳати шундаки: коррупцияга қарши кураш фақат муайян органларнинг фаолият соҳаси бўла олмайди — бу курашга барча давлат органлари жалб этилган.

Баъзи хорижий мамлакатларда энергетика сектори ҳам коррупцияга мойил. Бу ҳолат унинг анъанавий институционал механизмлари — нефть, газ ёки электр энергиясини назорат қилувчи давлат монополиялари — ҳамда у генерация қила оладиган улкан нақд пул оқимларининг натижасидир. Электроэнергетикадаги коррупция кўплаб кўринишларда учрайди: ҳисоблагич кўрсаткичларини ўзгартириш ва ҳисоб-фактураларни расмийлаштиришдаги майда коррупциядан тортиб, даромадли монополияларни тақсимлашдаги йирик коррупциягача.

Бу усуллар миқёси жиҳатидан фарқ қилади, аммо бир хил натижаларга олиб келади — заиф операцион ва молиявий кўрсаткичлар ҳамда айниқса, аҳолининг камбағал қатламлари учун хизмат кўрсатиш сифатининг пасайиши ёки тармоқ хизматларига ҳеч қачон эга бўлиш имкониятининг камайиши. Коррупцияга қарши кураш ислохотларни давом эттиришдан иборат бўлиб, улар монопол рента олиш учун рағбат ва имкониятларни камайтиришга, шунингдек давлат ва хусусий битимлар, тартибга солувчи тузилмалар ва қарор қабул қилиш жараёнларининг шаффофлигини оширишга йўналтирилган.

Литва давлат энергетика назорати соҳасида америкача модель қабул қилган. Энергетикани тартибга солиш агентлиги бевосита Литва Президенти ва Парламентига бўйсунди, у коллегиял орган бўлиб, бешта мансабдор шахс томонидан бошқарилади. Ушбу

мансабдор шахслар 5 йил муддатга тайинланади ва муддат тугагач ротация қилинади. Энергетикани тартибга солиш агентлигининг бевосита мамлакат Президентига бўйсунуши унинг фаолиятда мустақиллиги ва холислигини таъминлайди .

Бундан ташқари, Литванинг коррупцияга қарши курашдаги ўзига хос хусусияти шундаки, ҳар бир давлат органида ушбу давлат органида коррупцияга қарши курашиш учун масъул бўлган мансабдор шахс белгиланган. Ушбу мансабдор шахс коррупцияга қарши курашиш бўйича ваколатли давлат органи — Махсус тергов агентлигига ҳисобдор. Энергетикани тартибга солиш агентлигининг барча ходимлари ушбу мансабдор шахсга манфаатлар тўқнашуви йўқлиги (назорат қилинаётган корхоналарда танишлари, қариндошлари, қўшнилари йўқлиги) тўғрисида даврий равишда ҳисобот беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Всемирный банк ставит в пример борьбу Грузии с коррупцией // Режим доступа: <https://news.un.org/ru/story/2012/02/1196091>.
2. Буракова Л. Почему у Грузии получилось. Документальная литература. Издательский дом: ООО «Юнайтед Пресс». Год издания: 2011.
3. Грузия // Режим доступа: <https://anticor.hse.ru/main/country/Georgia>.
4. Алиакбаров Д. Ж. Развитие инструментов противодействия коррупции при осуществлении государственного контроля в области электроэнергетики. – 2024. <https://repository.apa.kz/bitstream/handle/123456789/1425/%D0%90%D0%BB%D0%B8%D0%B0%D0%BA%D0%BF%D0%B0%D1%80%D0%BE%D0%B2.pdf?sequence=1&isAllowed=y>.